

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ОКТЯБРГА!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 217 (4423).

5

НОВАБР

ЖУМА

1971 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БАЙРАМ ВАХТАСИДА

«Ўзбекзолото» комбинати коллективи социалистик мусобақага авж олдириб, туққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Байрамолди вахтасида туриб ишлаган меҳнаткашлар ўз ички имконият ва резервларини ҳисоблаб чиқиб, қўшнча социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Рудаларни майдалаш-пихталаш ишларини янги технология асосида амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг илғор усулларини жорий этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 10 ой ичида 111,3 процентни ташкил этди, рудаларни майдалаш топириги 110,2 процент, юк обороти планга эса 117 процент қилиб бажарилди. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда

ишлаб чиқариш илғорларининг — майдалаш-пихталаш участкасининг майдаловчиларидан Қ. Чашаров, А. Хангелов, электрослесарлардан М. Зипатов, Г. Мингазимов, шоферлардан Б. Н. Фортун, И. С. Тора ва бошқа ўртоқларнинг хизмати катта бўлди.

Бойитиш фабрикаларининг бу ҳомиша бўлган талабларини тўла қондириш ва ун ўз вақтида етказиб бериш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган коллективимиз туққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 20 декабрда адо этишга қарор қилдилар. — дейди бошқарма бошлиғи Азиз Омилов. Сўзи билан ишчи бир қончилар ўз ваъдаларини устидан албатта чиқардилар.

М. МИРМУМИНОВ.



ГУЛНОРА ЛЮМАНОВА Янгийўл мебель фабрикасининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. Айни кунларда у байрам олди меҳнат вахтасида туриб, смена нормасини 1,5 Ҳиссадан адо этмоқда. Суратда: Г. Люманова.

А. ПАЛЕХОВ. фотоси.

БЕКОБОД МУСОБАҚА ҲОЛИБИ

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласть комитети ва область ик-рония комитети ва область касаба со-вети Тошкент шаҳри районлари ва Тошкент шаҳри қўшнча та-шкilotлари коллективларининг 1971 йил учинчи квартал юзасидан мусобақа якунларини кўриб чиқиб область партия комитети, область икрония коми-тетини ва область касаба со-ветлари Советининг кўчма Қи-зил байроғини Бекобод шаҳри-га (шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Аб-босов, шаҳар икрония комите-тининг раиси С. Салоҳиддинов) беришга қарор қилдилар.

Шаҳарда саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган квартал планга 102,4 процент, меҳнат унумдорлиги планга 103,4 про-цент адо этилди. Товар маҳсу-лотини танқарини арзонлашти-ришдан 696 минг сўмлик жағғарма олинди. Асосий фондларни янги тушириш юзасидан белгиланган топи-ринг 102 процент адо этилди.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область ко-митети ва область икрония ко-митети районлар, колхоз ва совхозларда шудгорлашнинг бориши тўғрисидаги 1971 йил 1 ноебрда бўлган ишлар яку-нини кўриб чиқиб қарор қилди-лар.

Область партия комитети ва область икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районида (район партия коми-тетининг биринчи секретари Камо-лов, район икрония комитетининг раиси Тошхўжаев, қиш-лоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Асодов, «Узсельхоз-техника» район бирлашмаси-нинг бошлиғи Хусанов ўртоқ-лар) берилди. Бу район шуд-горлаш планини 61,4 процент бажарган.

Область партия комитети ва область икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллик» колхозига (раиси Мирзаев, партия ташкилотининг секретари Саидов, бош агроном Сунаров, бош икне-нери Иброҳимов ўртоқлар) бе-рилди. Бу колхоз шудгорлаш планини 85,1 процент бажар-ган.

Область партия комитети ва область икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги «Қорасу» совхозига (директори Дадаҳўжаев, пар-тия ташкилотининг секретари Екубова, бош агроном Аъзам-хўжаев, бош икненери Пақ ўр-тоқлар) берилди. Совхоз шуд-горлаш планини 54,5 процент бажарган.

«Қорасу» совхозининг Абдурахмон Шерматов бошлиқ бригадаси сабзавот экинларидан ҳар йил ҳам мўл ҳосил етиштиради. Ҳозир бригада далаларида кечки қарам узлиб шаҳарликлар дастур-хонига етказиб берил-моқда. Суратда (чап-дан ўнгга) А. Шер-матов ва Н. Қодиров ўртоқлар шаҳарга жў-патиладиган қарамни кўздан кечирмоқда-лар.

А. Абалин фотоси.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАХТА- КОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Фарғона областининг қиш-лоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тари-хий қарорларини амалга ошира-бориб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди ва давлатга пах-та сотиш планини муддатидан олдин, 4 ноебрда, Удуг Октя-брь социалистик революцияси умулхалқ байрами арафасида бажарилди.

Тайёрлов пунктларига 470 минг тонна пахта етказиб бе-рилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврида тайёрланганидан 25 минг тонна кўндр. Тайёр-ланган пахтанинг 90 проценти-дан кўпроғи биринчи навга қабул қилинди.

Ғалабага эришишда меҳна-ткорлар улкан меҳнат ҳисса-сини қўшдилар. Улар машина-ларда 150 минг тонадан кўп-роқ пахта териб бердилар. Об-ласть машина терими планини 102 процент бажарди.

Фарғона областининг қиш-лоқ хўжалик меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йили топириқларини муваффақият-ли бажариш учун ўтказилаёт-ган умулхалқ мусобақасига қўшилиб, давлатга қўшнча суратда келиб 50 минг тон-на пахта сотиш, бу билан дав-латга топирилган пахта инқидорини 520 минг тоннага етказиб мажбуриятини олди-лар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ИЛ 4 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш проценти	
Калинин	63,2
Юқори Чирчиқ	61,2
Оржоникидзе	54,6
Вўстонлиқ	38,6
Оққўрғон	29,4
Ўрта Чирчиқ	21,8
Оҳангарон	21,2
Бўқа	19,0
Янгийўл	14,4
Пискент	12,6
Бекобод	7,2
Область бўйича:	26,1



ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Туққизинчи беш йиллик план-ларини тўрт-тўрт ярим йилда ба-жариш учун курашаётган Оржон-икидзе район тайёрлов идорасининг ишчи-хизматчилари дастлаб ил-ли муваффақиятини қўлга кирит-дилар: беш йилликнинг биринчи йили планларини муддатидан ил-гари адо этилди. Шу кунгача рай-он хўжаликларидан 17440 ўринга 27 минг тонна сабзавот маҳсуло-тлари қабул қилиб олинди.

Шунингдек, тайёрлов идораси 245 ўринга 1542 тонна картошка, 1500 ўринга 2715 тонна подза маҳсулотлари, 100 ўринга 109 тонна узум, 100 ўринга 216 тон-на мева ва бошқа хил маҳсуло-тлар қабул қилиш йиллик планлар-

ни ҳам ортиғи билан бажардилар. Тайёрлов идорасининг муваффа-қиятида «Қизил Ўзбекистон», «Октябрь», «Правда», Ленин но-мли колхозларнинг хизмати катта бўлди. «Қизил Ўзбекистон» 6380 ўринга 7065 тонна, Ленин номи колхоз 1630 ўринга 2104 тонна, «Октябрь»-ликлар 1085 ўринга 2269 тонна сабзавот етказиб бер-дилар.

Маҳсулот қабул қилиб олиш ва шаҳарликларга етказиб бериш-да В. Файзулхамедов, Т. Маму-динов, А. Хўжаев, Т. Илёсов, ка-би бош бўлган станция ва база ишчиларининг хизматлари катта бўлди, — дейди идора дирек-тори Ж. Усмонов. — Улар берил-

ган планларни бир ярим-икки ба-рроаб ортиғи билан бажардилар. Шу кунларда тайёрлов идора-сининг пунктларида кечки экин-лар ҳосилини қабул қилиб олиш қизғин бормоқда. Қиш мавсумида ҳам худди ёздагидек сабзавот ет-казиб бериш учун 710 ўринга 725 тонна маҳсулот, 100 тонна тарвуз, 15 тонна узум қишда со-тиш учун олиб қўйилди.

Улуг Октябрь Социалистик Ре-волюциясининг 54 йиллиги кун-гача тайёрлов идораси азаматла-ри яна хўжаликлардан 8000 тон-на сабзавот маҳсулотлари қабул қилиб оладилар.

Н. РУСТАМОВ.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
ШУ ИЛ 4 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тай-ёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пах-та, бешинчи — стун — мавсум бошидан бери.				
Пискент	0,14	123,24	0,07	104,21
Оққўрғон	0,17	120,30	0,02	111,60
Юқори Чирчиқ	0,03	119,86	—	159,46
Бўқа	0,30	118,98	0,15	107,84
Ўрта Чирчиқ	0,06	115,86	—	101,99
Янгийўл	0,31	113,14	0,44	84,81
Бекобод	0,09	107,74	—	87,40
Область бўйича:	0,17	116,50	0,10	104,47

ҚИЗҒИН ТАБРИКЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Под-горний ва А. Н. Косигин ўртоқ-лар Монғолия Халқ Респуб-ликасининг раҳбарлари Ю. Це-денбал ва Ж. Самбуга теле-грамма йўллаб, Совет—Мон-голия дўстлиги тарихидаги шонли сана — Совет Россияси билан

халқ Монғолияси ўртасида дўс-тона муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги битим имзолаган кунининг 50 йиллиги муносабати билан уларга энг қизғин кут-ловларини ва энг яхши истак-ларини нэхор қилдилар.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ДОИМИЙ САҚЛАШ УЧУН ТОПИРИЛДИ

НУКУС, 4 ноябрь. (ЎзТАГ). Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи доимо сақлаш учун бугун Қорақалпо-ғистон АССРга топирилди. Автоном республика бу юсак мукофотга пахта териш ва

давлатга топириш учун ўткази-лаётган социалистик мусоба-қада эришган муваффақиятла-ри туфайли таъовор бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Ра-шидов тантанали вазиёта бай-роғини топириди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БИНОКОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

НУКУС, 4 ноябрь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон қишлоқи таш-килотлари ходимларининг бу-гунги кенгашида автоном рес-публикада капитал қурилишини тубдан яхшилаш тадбирлари муҳома қилинди. Қорақал-поғистон область партия коми-

тетининг секретари А. П. Фе-доров ана шу масала юзасидан ахборот берди.

Кенгашида КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзо-лигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

ЯШАСИН ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЖАН-
ГОВАР АВАНГАРДИ, КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ
ЙЎЛБОШЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ—СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

АНГРЕН КЕРАМИКАСИ



Яқинда Ангрен керамика комбинатида кенг истеъмол бўюмлари цехи ишга туширилди. Янги цех ишга туширилиши билан аҳолининг керамика маҳсулотларига бўлган талаби янада тўлроқ қондирилади. Суратда: (чапда) цех (ўнг-да) цех ишчиси Саноаб Абдурахмонова.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар ижроия қўмитетининг маъий хизмат кўрсатиш бошқармаси бир катор таъбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ленин пр-пекти ҳамда Марказий университет ҳамда ҳолодильникларнинг ремонт қилиш пункти очилди. Чарданцев турар-жой массивида эса комплекс маъий хизмат кўрсатиш пункти иш бошлади. Янги пункт аҳолидан турли хил мебель ва кийим-кечакларга хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Юртмалар қабул қилади, кир ювиш машиналари ва бошқа уй-руғзор жихозларини тўзатилади. Бошқарма бу йил яна шундай маъий хизмат кўрсатиш пунктларидан 4 тасини очилиши мўлжалламоқда.

КИЧИНТОЙЛАР УЧУН МЕБЕЛЛАР

«Шарк» мебель фирмасининг коллектив бопларини ҳам унутагани йўқ. Улар республикамиз колхоз ва совхозларидаги болалар бочка ва яслилари учун янги хил мебеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Тошкент об-ластининг ўзига бочка ва яслилар учун крават, стол-стулар, ошкоча жихозларидан «Борат» бир неча минг сўмлик мебел ишлаб чиқарилади.

Хозирда фирма кенгайтирилди, янги корпус қуриломоқда. Энди корхонадаги кўпгина жарайлар механизация ердамида бажарилади. Хозирги янги бинада жихозлаш ишлари олиб бориломоқда. Шу йилнинг охиригача фойдаланишга топшириладиган корпус йилга 8,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб беради.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКАГА

Келгуси йили жойларда бир неча халқаро ярмаркалар ташкил этилади. Учинчи Осиё халқаро ярмаркаси ҳам катта савдо марказларидан бирига айланади.

Яқинда ушбу ярмарка ташкилот қўмитетидан Ўзбекистон савдо палатаси адресига телеграмма олинди. Унда республикамиз ҳам халқаро савдо маркази қатнашчиси бўлаётгани маълум қилинган. Шунингдек, ярмаркада ўзбек дидеридан юбориладиган маҳсулотларини намойиш этиш учун алоҳида бўлим ажратилгани айтилган.

Бунга ҳозирдан таъйинларлик ишлари бошлаб юборилди.

КОЛХОЗЛАРДА БОҒЧАЛАР

«Хар бир хўжалик ўзининг тиновий боғча-яслига эга бўлиши». Пискент районидан келган ва совхозларнинг ҳам шiori ана шундай.

Ҳақиқатан ҳам районда болалар муассасалари қурилишига индий эътибор берилган. Кейинги ойлари ичида бир неча боғча биналари қад кўтарди. 2-Пискент совхозидан очилган боғча-ясли хизматидан ота-оналар хурсанддилар.

Шунингдек, Свердлов номли, Калинин номли колхозларда ҳам болалар комбинатлари қурилишлари учун етарли миқдорда маблағлар сарфланди.

Андрей СОЛОВЬЕВ.

ғалабалари. Қизил Армиянинг тез орада гўё тор-мор келтирилиши, олий ирқнинг жаҳондаги ҳукмронлиги тўғрисида тоза гапирди. Немисларга хос пухтали билан Таврин фаолиятидаги фактларни бирма-бир санади. Бу иш оқибатида унлаб гуруҳлар фойдаланиш, юзлаб совет кишилари дорга осылгани, отилгани, газ камераларида қўйрилиши ҳақида сўзлади. Тавриннинг рейх олдидан алоҳида хизматларини қайд қилиб, агент сифатида узоққа борсан, деб ишонч билдирди.

Таврин обертурмбанфюрернинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатар, унинг ҳар бир сўзини илби оларди. Янаб Таврин, мен сизни бу ерга гоёт муҳим бир масалани муҳама қилмоқ учун бу ерга мақардим. — Грейфе бироз жим қол, қилин кўзойнаган орасидан Тавринга зиндан тикилди. — Фюрерга самийи сарқатингиз ҳамда гестапо билан ҳамкорлик вақтида олган тақрибангиз сизга бундан ҳам жиддийроқ ишларга қодир одам, деб қарашга имкон беради.

Таврин бу сўзларни жон қўлогин билан тинглади — ҳозир унга юқори лавозим ва унвон беришга аяб эмас. — Биз, — давом этди Грейфе — советларнинг фронт орасида алоҳида давлат аҳамиятига эга бўлган бир ишни амалга оширишдан сиздан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Таврин ўзини йўқотганича фашистга қаради: ҳаётга берилиб, ҳужайининг фикрига тушунонмай қолган. Аммо, Грейфе бераро давом қилди:

— Гестапо Москвада гоёт муҳим террорист ишнинг сизга топширишга қарор қилди. Бу мисли сизга шухрат, обрў ва бойлик келтиради. Сизнинг номингиз инсоният тарихига абадий ёзилди қолди.

Таврин жунжукди: мана сизга лавозим, унвон, ҳаёллари пучга чиқди унинг. Грейфе кийриқ қўймади яна Тавринга тикилди:

— Бу иш мураккаб, ҳазилкам куч талаб қилмайди. Аммо, пухта таъйинларлик ва сизга бериб қўйилган тегишли вазифалар бу ишни муваффақиятли бажариш имконини беради. Айтомқим, бу иш ихтиёрий, сиз уни рад этишингиз мумкин.

Лекин, Таврин ўзининг рад этмаслигини яхши билди. Ақсизча, у бир дақиқа ҳам иккиланолмайди, — гестапо арқонини нақ ҳиқилдоғига келтириб қўйган. У қўлларини тушириб, асабийлигини яшириб, титроқ овоз билан деди:

(Давоми бор).

ҚАДИМИЁТ СИРЛАРИ

ИБИДИОНИ ҚУРҒОН

Яқинда болгар археологлари ўз мамлакатлари территориясидан эрмиздан аввалги XIV — XIII асрларга мансуб бўлган некрополь изларини топишди. Маъмур қўрғон Дунай воҳисида, Орсей қишлоғи раёонида Лом шаҳридан нарироқда жойлашган.

Дастлабки қазини давомида бу ердан топишган 54 та сопол идишлар ичидан ўлган одамлар жасадининг кули чиқди. Сўнг эса қўшпа сопол ишлар, керамик пичоқлар, найзалар, хилма-хил рўзгор бўюмлари ҳам топишди.

Кейинги вақтда некрополь яна пухта текширилганда бу ерда тағин эллиндан олтин қабрборлиги маълум бўлди. Сопол

идишлар эса нақшлар билан безатилган.

ЯНА БИР ТОПИЛДИҚ

Ақба қўлтиғида Сен-Жандар шаҳридан шимолроқда яна бир муҳим археологик янгилик топишди. Бу — эрмиздан аввалги XIV асрга оид қадимий минер маданиятга хос бўлган саркафаг-тобутир. Унинг ичидан эса шундай ноёб қўроқ-яроқлар чиқдики, бунинг олимлар Троя жағи (Гомернинг «Илиада» достониди) шунанг асосий мавзу қилиб олингандининг иштирокида бирга мансуб бўлса керак, деб ҳисобламоқдалар. Саркафаг узунасига бир, бўйига эрига эрига 0,65 метр катталикдадир.

Суратда: пойтахтимизнинг Краснодон кўчасида бунёд этилган тўққиз қаватли бинони қўриб турибиз. Уни 1-ўйсозлик комбинатининг 3-монтаж бошқармаси қурувчилари бунёд этишган. М. Нурдидинов-фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
7 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 2 ВА КЕЧ 7 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артистлари: ҲАЛИМА НОСИРОВА, МУКАРРАМ ТУРҒУНБЕКОВА, САОДАТ ҚОҲУЛОВА, ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА; Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Клара ЮСУПОВА, Ҳалима КОМИЛОВА, Саттор ЯРАШЕВ, Жамол НИЗОМУЖАЕВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Эргаш ИҲЛОШЕВ, Михаил ДАВИДОВ, Сенилла ТАНГУРБЕКОВА, Фотима НОСИРОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6, 7 НОЯБРДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: КУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МУҲАББАТ ШАМАЕВА.

СОЛИСТЛАР: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Дадажон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБЕКОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Одижон ИМИНОВ, Эркин ДАВЛАТОВ, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Азим АЗИЗОВ, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ, Аҳмад ШУКУРОВ, Дилбар ФАЕЗОВА, Илос МАЛАЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ
Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.
КОНЦЕРТЛАР: 6 ноябрда кундуз соат 5 ва кеч 8 да;
7 ноябрь кундуз соат 2, 5 ва кеч 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан сотилади.

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 ноябрь кундуз соат 3 ва кеч 8 да

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 ноябрь кундуз соат 1 ва кеч 8 да

КАТТА КОНЦЕРТ

„БАЙРАМ ДАВРАСИ“

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, ТУХТА РИСМЕТОВА, ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ, КУВОНДИҚ ИСҚАНДAROV, КАМРАТ ОТАБЕКОВ.

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Камолдин РАҲИМОВ (Памилган), Неъматжон ТОШМАТОВ (Қўқон), Илдошжон НОСИРОВ (Қўқон), Мадамин ЮСУПОВ (Маргилтон), Карина АЗОҚОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ
ДАВРАНИ — ҲУЛОМ ТОНИАБДОВЕВ ва МАДАМИН ЮСУПОВЛАР олиб борадилар.
Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА!

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Улмас УМАРБЕКОВ асари.

«ОҚАР СУВЛАР»

2 пардали драма.

Постановкачи-режиссёр — У. БАҚОВЕВ.

Рассом — М. ЭШОНЖУАЕВ.

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 1 ВА 4 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари КУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МУҲАББАТ ШАМАЕВА.

Солистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Дадажон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБЕКОВА, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ, Илос МАЛАЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА ва бошқалар.

БИЛЕТЛАР «Баҳор» ва Свердлов номли концерт зали кассаларида эрта соат 11 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ „ЮБИЛЕЙ“ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР ВИРИНЧИЛИГИ УЧУН

5 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 5 ДА

«СК» (Чебаркуль) — «СПАРТАН» (Тошкент)

8 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА, 9 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 5 ДА

СК «ЮНИОН» (Урал) (Орен) — «СПАРТАН» (Тошкент)

«А» классининг II гуруҳидаги

КОМАНДАЛАР ЎРТАСИДА

„ХОККЕЙ“

Коллектив бўлиб кўриш учун заявоналар қабул қилинади.
Хоҳловчилар мавсумдаги 26 ўйинга абонемент сотиб олишлари мумкин.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/ХИ да Боғчасарой фонтани, 6/ХИ да Ойқўш кўли.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/ХИ да Алмонларим, 6/ХИ да Яулчи юлдуз.

МУҚИМНОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛ ТЕАТРИДА — 5/ХИ да Ҳалима, 6/ХИ да Севинч ганлар хибони.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5, 6/ХИ да Биринчи бўса.

Кино

Огинский полонези — «ЎЗБЕК-КИНО», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Клав-Мартиннинг ўғли — «СЗ».

ВЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Иккиюзламачилар ватани (кундуз соат 12, 2 да), Севги ва муназаралар (кундуз соат 4, кеч 6, 8, 10 да) — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ.

Қўбудаги миссия — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечурун).

Чирчиқ шаҳар, қондиртер фабрикаси коллективни фабриканинг юристконсультанти М. Абдуллаева отаси

Абдулла НИЗМАТОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маърифатининг босмаонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р. 14622. А—1863.